

## «Ижтимоий фикр» РЖФЎМ ПРЕСС-РЕЛИЗ

**Мавзу:** «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисида матбуот анжумани.

**Ўтказиш вақти:** 2021 йил 21 январь, соат 16:00да

**Ўтказилиш жойи:** Миллий матбуот маркази, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.

**Тадбир ташкилотчиси:** «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази.

Бугун «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази Ўзбекистонда жамият ҳаётининг кенг кўламдаги долзарб масалалари юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш соҳасида етакчи тадқиқот ташкилоти ҳисобланади. Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши соҳасида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва таҳлил қилиш, шунингдек, тизимли мониторингини олиб бориш ҳисобланади.

Матбуот анжуманида «Ижтимоий фикр» Марказининг 2020 йилдаги фаолияти юзасидан ахборот берилди.

2020 йил мобайнида Марказ томонидан амалга оширилган тадқиқотлар сони 2019 йил кўрсаткичидан кескин ошиб (30 та тадқиқот) ва **31166 нафар** респондентни қамраб олган **62 та** социологик сўровни ташкил этди.

2020 йилда «Ижтимоий фикр» Маркази томонидан **5331 нафар респондент** иштирокида **5 та кенг кўламли комплекс социологик тадқиқот**, **7 та мақсадли**, **50 та телефон** ва **интернет-сўровлари** ўтказилди.

2020 йилда «Ижтимоий фикр» Марказининг **илмий тадқиқотлари** Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг давлат илмий-техник дастурлари доирасида амалга оширилди.

Ҳисобот даврида Марказ ходимларининг фундаментал ва амалий тадқиқотлар мавзусидаги наشرлари умумий сони **96 тани ташкил** этди. «Ижтимоий фикр» Марказининг илмий-методик ишлари Республика илмий-методик Кенгашининг низоми асосида олиб борилди ва Кенгаш томонидан **3 та монография** ва **7 та ўқув қўлланмалари** кўриб чиқилди ҳамда тасдиқланди. Шу билан бирга, йил давомида Марказининг илмий ходимлари халқаро миқёсдаги илмий ва амалий конференцияларда иштирок этиб, хорижий журналларда мақолалар ва тезисларни мунтазам равишда чоп этиришди.

2020 йил давомида, «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» журналининг ҳар чоракда янги сонлари чоп этилди.

Марказда доимий равишда мутахассислар тайёрлаш бўйича фаолият олиб борилади. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан «Ижтимоий фикр» Маркази ўртасидаги ҳамкорлик шартномаларига мувофиқ, Марказ негизида Социология кафедраси филиали ташкил этилган. Кафедра талабалари Марказда ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётдан ўтадилар. 2020 йилда Марказда Ўзбекистон Миллий университетининг «Ижтимоий фанлар» факультетининг **52 нафар** 1-курс талабаси амалиётини ўтади.

Марказ мониторинг гуруҳи томонидан, миллий домен ҳудудидаги энг оммабоп ва кенг ўқувчилар аудиториясига эга бўлган интернет-нашрлардаги ўтказилган тадқиқот мавзуларига доир **1497 та** мақолалар ва уларга қолдирилган **2655 та** изоҳларнинг контент-таҳлили ўтказилди.

«Ижтимоий фикр» Маркази негизда «Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари: назария, усуллар, амалиёт» мавзусидаги доимий семинарнинг 7 та мажлиси бўлиб ўтди.

Шунингдек, Марказ томонидан халқаро ҳамкорлик бўйича фаол иш олиб борилмоқда ва Ўзбекистондаги Эберт жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан шартнома имзоланди, ЮНЕСКОнинг МОСТ Дастури вакиллари билан мунтазам равишда мулоқотлар олиб борилмоқда. ВЦИОМ (Россия) билан онлайн платформада социологлар мактаби машғулотини ўтказиш бўйича келишувига эришилди.

2020 йил 13 ноябрь куни «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази ва Бутунроссия жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази (ВЦИОМ, Россия) томонидан **X Халқаро Грушин социологик конференцияси доирасида «“COVID – 19” коронавирус пандемияси даврида олий таълим муассасаларида масофавий таълим: хатарлар ва истикболлар» мавзусидаги халқаро давра суҳбати** ўтказилди. Мазкур йиғилишнинг кун тартиби Ўзбекистон ва Россия олий ўқув юртларида масофавий таълимни жорий этиш, тажриба алмашиш ва мамлакатларимизда online-таълимни ривожлантириш юзасидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқишга бағишланган бўлиб, «Ижтимоий фикр» Марказининг етакчи мутахассислари ўз маърузалари билан иштирок этишди.

2020 йил 17 сентябрь куни «Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари: усуллар, назария, амалиёт» мавзусидаги доимий илмий-амалий семинар доирасида «Жамиятни рақамли жадаллаштириш: социологик нуқтаи назар» мавзусида халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси илмий социологик ҳамжамиятининг етакчи вакиллари (ВЦИОМ, ФНИСЦ РАН, НИУ-ВШЭ СПб), жамоатчилик фикрини ўрганиш соҳасидаги мутахассислар иштирок этишди.

2020 йилда Марказ мутахассислари халқаро ва миллий миқёсдаги 50 га яқин тадбирлар (учрашувлар, давра суҳбатлари, семинарлар, конференциялар, форумлар) да фаол қатнашдилар.

Ҳисобот даврида «Ижтимоий фикр» Маркази томонидан социологик тадқиқотларни амалга ошириш, ҳамда фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техник дастурлари, илғор хорижий ва маҳаллий, назарий ва услубий воситалардан фойдаланган ҳолда социологик тадқиқотлар ўтказиш сифат жиҳатидан янги ва замонавий тадқиқот амалиётига эга бўлди.

**«Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг расмий сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари:**

<https://ijtimoiyfikr.uz/>

<https://t.me/ijtimoiyfikruz/>

<https://www.facebook.com/ijtimoiyfikruz>

<https://www.instagram.com/ijtimoiyfikruz>

<https://www.twitter.com/ijtimoiyfikruz/>